



ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 22 октябр, чоршанба № 164 (1589)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тошкент туманидаги Тошкент ширкат хўжалигида кичик қорхона иш бошлади. Бу ерда бир кунда юз тоннага яқин кишлоқ хўжалик маҳсулоти қайта ишланади.
Туман боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Шу боис бундай қорхонага эҳтиёж катта.
Қорхонада тайёрланаётган мева шарбатлари, мураббо ва томат пастаси махсус ишларга қадоқланиб, Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Қорхонанинг ишга тушиши ўн икки нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИНИНГ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика нефть ва газ тармогининг бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш, унинг барқарор ва мувоозанатли истиқболли ривожланишини таъминлаш, газ ва нефть геологияси ва кидируви, уларни казиб олиш, нефть ва газ маҳсулотларини ташиш ва узатиш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш даражасини ошириш, тармоққа чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш ва шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, республика иқтисодий тармоқлари ва аҳолисини нефть ва газни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Қ-1791-сон фармойиши билан ташкил этилган Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси, холдинг компания таркибига кирувчи акциядорлик компанияларининг:

«Ўзнефтькайтаишлаш» акциядорлик компаниясини тугатиш ҳамда илгари «Ўзнефтькайтаишлаш» акциядорлик компаниясини таркибига кирган қорхоналар ва ташкилотларни «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига киритиш;

«Ўзнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларнинг чекланган умумий сони 112 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 109 нафар ижро этувчи аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

2. «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларнинг чекланган умумий сони 112 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 109 нафар ижро этувчи аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар: «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси, ходимларнинг чекланган умумий сони 168 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 107 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси ҳамда компания ихтиёрига берилган қорхоналар ва ташкилотлар рўйхати;

«Ўзгеобургувнефтьгаз» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузил-

маси, компания таркибига кирадиган қорхоналар ва ташкилотлар рўйхати, ходимларнинг чекланган умумий сони 154 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 108 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси;

«Ўзгеобургувнефтьгаз» акциядорлик компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган қорхоналарни рўйхати таъминлансинлар;

«Ўзнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган қорхоналарни рўйхати таъминлансинлар;

«Ўзнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган қорхоналарни рўйхати таъминлансинлар;

«Ўзнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган қорхоналарни рўйхати таъминлансинлар;

«Ўзнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган қорхоналарни рўйхати таъминлансинлар;

«Ўзнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган қорхоналарни рўйхати таъминлансинлар;

«Ўзнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган қорхоналарни рўйхати таъминлансинлар;

«Ўзнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган қорхоналарни рўйхати таъминлансинлар;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2003 йил 21 октябр

И.КАРИМОВ

Балиқчи туманидаги «Балиқчи» ширкат хўжалиги раҳбарияти ва туман ички ишлар бўлими ходимлари дала шийпонларида пахта хомашсини сақлашни таъминлаш, унинг нест-нобуд қилиниши, ўзгарилиши ҳамда Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиш кетилишига йўл қўймаслик лозимлиги ҳусусида суҳбатлар уюштирилмоқда.

ШИЙПОНДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Тумандаги ҳар бир ширкат ва фермер хўжалигидаги милиция ходимлари бириктирилган, деди туман ИИБ бошлигининг ўринбосари Жамшид Маматқуллов «Туркистон-пресс» муҳбирига. Улар одамларни қонунбузарликнинг оқибати нимага олиб келишини оғоҳ этишди. Махаллий раҳбарлар билан биргаликда қишлоқ аҳолини бу масалага оғли муносабатда бўлишга чақирамиз.

«Хўжалигимизда бундай қонунбузарликларга йўл қўйилмади, деди «Балиқчи» ширкат хўжалиги раиси Хусанбой Юнусов. Шунини айтиш керакки, пахта, галла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш режаларини ошириб бажараётганимиз туфайли хўжалигимиз йил сайин яхши даромад олмақда. Топилган маблағлар қишлоқларни ободонлаштиришга сарфланаёпти. Мисол учун ўтган йилги даромадлар эвазига Эшонқишлоқда 50 ўринли болалар богчаси, Хасанбой Сойиббоев маҳалласида эса янги гузар қурилди.

Жорий йилда ширкат хўжалигининг ялпи даромади 180 миллион сўмга етказилди. Бу ўз навбатида аҳоли фаровонлигини оширишга, қишлоқларимизнинг янада обод бўлишига имкон туғдиради.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ

Бугунги кунда Дўстлик туманида 988 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Шундан 965 таси пахта етиштиришга ихтисослаштирилган. Мулкка эгалик ҳисси, мўмай даромад омилкорларни ташаббус кўрсатиб ишлашга ундади. Пахта йиғим-терими қизгин бораётган шу кунларда юзга яқин фермер хўжалиги оқ олтин тайёрлаш контрактация шартномасини уддалаб қўйди. Муртаз Бўтаев «Эшнӣз бобо» фермер хўжалиги раҳбари, касби аграрном. Узоқ йиллар хўжаликларда сидқидилдан меҳнат қилиб, мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олди. Давр тақозоси билан шайх хўжалик ташкили этиш юзасидан яқинларига маслаҳат солди. Хайрли қадам қўлаб-қувватланди. Янгилик илҳомландирди Саркисов номли хўжалиқдан 64 гектар ер ажратиб берилди. 15 оила билрлашиб, қаттиқ меҳнат қилдилар. Мана 9 йилдирки, фермер хўжалиги пахта, галла етиштириб, катта даромад олишга эришмоқда. Ер майдони 100 гектарга етказилди. Янги бинолар қурилди, керакли жиҳозлар сотиб олинди. Яна 2 та трактор келтирилди.

Жорий йил «Эшнӣз бобо» шахсий хўжалиги аъзолари учун омадли келди. Галла ҳосилдорлиги гектарига 60 центнерни ташкил этди. Давлатга 132 тонна сара дон сотилди. Пахтадан эса 32 центнерлик хирмон кўтарилди. Бу мураккаб шароитда ишловчилар учун чинакам муваффақиятдир. Муртаз Бўтаевдан ютуқлар омили ҳақида сўраганимизда, фермер хўжалигимизда касабга уюшма ташкилоти тузилганлиги ютуқлар салмоғини янада оширди, деб жавоб берди. Чинданам касабга уюшма ташкилоти ишловчилар учун қулай шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, маданий-маиший тадбирларни намунали ўтказишда муҳим рол ўйнамоқда. Уста деҳқонлар дам олиш соатларидан унумли фойдаландилар. Шийпон намунали жиҳозланган. Бу ерда кимдир газета ёки журнал муталлаа қилса, кимдир телевизор томоша қилиши мумкин. Шўхот ишчибозлари учун ҳам ҳамма нарса муҳайё этилган. Касабақўм раиси Абдурауф Азимов яхши ташкилотчи, ўз сўзини ўтказа оладиган тажрибадорлардан бири. У заршунослар устози, хўжалиқда узоқ йиллар касабга уюшма қўмитаси раиси вазифасида иш-

Ташаббус



лаган Отакул Бўтаев насиҳатларига қатъий амал қилади. Самардорлик йил сайин юксалиб бормоқда. Яхши ишлаб, яхши яшаётган, кадр топаётган кишилар ғайрат камарини маҳкам боғлашган. Бирок, чўл шароитида фаолият юритишнинг ўзи бўлмайди. Бунини яхши англаган мутасаддилар ишловчиларнинг саломатлигига жиддий эътибор қилишмоқда энг яхши сиҳаттоҳларга имтиёбли йўлланмалар кўпайтирилмоқда. Яқин вақт ичида 5 нафар ишчи «Чортоқ», «Гагарин» сиҳаттоҳларида кўнглили дам олдилар. Тўй ёки маърака ўтказиётганларга моддий ёрдам кўрсатилади. Усимлик ёғи ва бошқа неъматлардан ёрдамлашади. Сабзавотли полиз маҳсулотлари ўзларидан чиқади. Ташкилдорларча, ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик маоши 35 миң сўмни ташкил этмоқда.

Фермер хўжалиги аъзолари саовб-ли ишлардан ҳам четда қолишмаётгани йўқ. Жумладан, 500 миң сўм болалар спортини ривожлантиришга ажратилди. «Янгибод» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида кам таъминланган қатор оилалар оталиққа олинган. Бундан ташқари, бу йилги даромаддан 2 километр масофадаги қишлоқ йўлини асфальт қилиб беришмоқда. Яқинда мохир фермер Муртаз Бўтаев ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Кўксини «Шўҳрат» медали бе-зади.

Б.НОРКУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА САНЪАТ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора, муассаса ва бирлашмалар раҳбарлари, санъаткорлар, олимлар, ёзувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси А.Азизхўжаев бошқарди. Ўзбекистон - ўзига хос мустақил тараккият йўлини ташлаб олган давлат. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Исом Каримов раҳбарлигида ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда ва бугунги кунда бутун жаҳонда тараккиятнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинди.

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг янги ҳаёт кўриш йўлидаги эзгу мақсад-муддосларини ўзиде муассас этди. Шу боис ҳам мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясини санъатнинг таъсирчан воситасида кишилар, айниқса ёшлар онгига синдириш, маъна-

вожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу эса ўз навбатида зиялилар зиммасига халқимиз, айниқса, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат, юрта садоқат, фидойилик ғояларини бадиий пухта ва мукамал асарлар орқали самарали ва таъсирчан усулларда синдириш масъулиятини юклайди. Соҳада ғоявий-бадиий салоҳиятини қомил инсон тарбиясига йўналтириш устувор йўналиш бўлиши даркор. Бунада кутубхона, театр, маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа маърифий муассасалар фаолиятдан кенг ва самарали фойдаланиш, ёшлар дунёқарашини юксалтирадиган, уларга руҳий-маънавий озик берадиган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Маданий-маърифий муассасалар ёшларни миллий ўзлигимизга, ўтмишимизга ҳурмат, чинакам ғўзаллик руҳида тарбиялаш маскани бўлмоғи лозим. Бунда маданият ва санъат соҳаларида ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз, миллий қадриятларимизга ёт асарларнинг етакчи ўрини эгаллаб олишига йўл қўймаслик муҳимдир.

Мажлис иштирокчилари бугунги сиёсатимизнинг моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар жараёнини, янги жамият қуриш йўлидаги эзгу интилишларимизни халқимиз ўртасида ҳаёт ҳақиқатига таянган ҳолда тарғиб қилиш лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафқуравий курашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия - бу ҳаёт-мамат масаласи эканини одамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, уларни оғоҳ этиш зарур. Эро миллий истиқлол ғояси сондеқ азиз ва муқаддасдир. Мажлисида замонавий қаҳрамон образини яратиб маърифий-мафқуравий ишнинг муҳим бир қисми экани яна бир бор таъкидланди.

Ошқора баҳо-мунозара руҳида ўтган мажлисда юртимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушуна ва тамойилларини тарғиб этишда баъзан хўжақўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётгани

(ЎзА)

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Цемент саноати ва бозор» мавзусидаги учинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси бошланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган, Президент Исом Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, унинг дунёда ўзига муносиб ўринини эгаллашига қаратилган изчил сиёсат амалга оширилмоқда. Юртимизда бозор иқтисодиётини ривожлантириш, саноатни юксалти-

ҚУРИЛИШ САНОАТИ ЮКСАЛИШДА

Ушунда йигирмадан ортик мамлакатдан келган икки юздан зиёд мутахассис соҳа истиқболларини муҳокама этди. Бу галги анжуман ҳам Ўзбекистонда қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасига халқаро микёсда қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир. Унда Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция, Мўғулистон, Туркия, Чехия,

Словакия, Дания, Хиндистон, Япония каби йигирмадан ортик давлатдан 120 га яқин қорхона вакиллари иштирок этмоқда. Ўзбекистонда қурилиш, хусусан, цемент саноати юксалиш даврини бошдан кечирмоқда, дейди «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари М.Шодмонов. Ушундан ташқари, бу йил 4 миллион 200 миң тоннадан ошмиш қурилиш маҳсулоти экспорт қилинган ҳам ижобий таъсир этмоқда. Ўтган йили қиймати 9 миллион АҚШ доллариға тенг маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 12 миллион доллардан ошадди.

Мамлакатимизда йиллик ишлаб чиқариш ҳува-ти ўртача 80 миң тоннадан зиёд бўлган «Қизилқумцемент», «Охангаронцемент», «Бекбодемцемент», «Кувасойцемент», «Ангрентцемент комбинати» акциядорлик жамиятлари каби олти қорхона фаолият кўрсатмоқда. Цемент ишлаб чиқариш қорхоналари ўзининг техникавий тараққиётини таъминловчи илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлариға ҳам эга. Анжуманда цемент саноати ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш тамойиллари муҳокама этилади. Айни пайтда, техника ҳамда жиҳозлар, қадоқлаш, назорат ва сифат кўрсаткичларини ошириш, транспорт, Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда қурилиш бозорининг бугунги аҳволи, соҳада қўлланилаётган янги технологиялар, сарможа жалб қилишнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалаларға алоҳида эътибор қаратилади.

(ЎзА)

Касаба уюшмалари ҳаётидан

САЖОВАТПЕШАЛАР

яхши ният йўлида қўлни-қўлга баериб

Республикамизда энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг максад ва вазифаларидан бири, бу меҳнаткашларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини жисмоний, маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялашдир.



деқ ҳис этишларига қаратилгандир.

Вилоят касаба уюшмалари тармок кўмитаси кейинги икки йил мобайнида республикамизда ваколатхоналари мавжуд бўлган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли тадбирларни амалга оширмоқда.

2001 йилда АКШнинг «Тинчлик корпуси» ва «Специал Олимпикс» йўналиши билан ҳамкорликда Хоразм вилоятининг Шовот туманида биринчи мартаба имконияти чекланган болалар учун оромгоҳ ташкил этилди.



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб, Урганч Давлат университети спорт мажмуасида ногирон болалар ўртасида спортнинг энгил атлетика, волейбол, стол тенниси бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

лоийҳалар ногирон болалар билан ишлашга қаратилган. Булар асосан кам таъминланган оилаларнинг 8 ғшдан 16 ғшгача бўлган фарзандларидир.

Жорий йилнинг сентябр ойида Козогистон республикасининг Алматы шаҳрида ногирон болаларнинг Марказий Осий давлатлари 1-махсус олимпия уйинлари бўлиб ўтди.

Турмуш тарзимиз илдиэлари

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи пештахталардаги олтиндек товланаётган «чарослар», нашватилар, олмалар, анжирлар, тилими тилини ёрадиган қовун-тарвузлар, бодрингу помидорларга назар ташлаб, завминимиз саховатиға тан берасиз.

Айни кунда вилоят тармок касаба уюшмалари кўмитаси олдида турган асосий вазифалардан бири жойларда ташкил этилган спорт клубларини зарур анжомлар билан таъминлаш, ногирон болалар билан ишлайдиган махсус спорт мураббийларини тайёрлаш ҳамда спорт-соғломлаштириш ишларига имконияти чекланган ногирон болаларни янада кўпроқ жалб этишдир.

БАРАКА БОЗОРДА

Ватан остонадан бошланади. Эл-юртнинг файзу баракаси, турмуш тарзи бозорда аён бўлади. Марҳамат туман бозорида бўлсангиз, ана шу фикрлар ҳаёлингиздан ўтади.

Албатта ногирон болаларнинг дардларига малҳам бўлиш азалдан савобли иш ҳисобланади. Юртбошимиз айтганларидек: «Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак». Биз ҳам фаолиятимизнинг асосий мезонини шу жабҳага қаратмоқдамиз.

Бозор қаршидаги 20 сотих жойни эгаллаган фавворанинг қуриб битказилиши ободончилик ишларига жойиба бағишлади. Майдон асфальтланиб, кўркам гулзор барпо этилди.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамда Германиянинг «Инвент» халқаро жамғармаси ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб борапти.

ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ КЕНГАЙДИ

Қашқадарё вилоятида ўтган тўққиз ойда олтинингдан зийд кичик ва ўрта бизнес субъекти рўйхатиға олинди. Уларнинг умумий сони 28 минг 834 таға етди.

С.СОБИРЖОНОВ

Ҳ.ҲАМРАХИМОВ

Демократик ҳуқуқий давлат сари

«ЯРАШУВ» ИНСТИТУТИ УНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Республикамиз мустақилликка эришган илк кунларданок одил судловни таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг босқичма-босқич ва аниқ белгиланган дастурлар асосида ўтказилаётганини судларга бўлган ишончнинг орттиши сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

содир этган шахс учун бу жазо оғир ботиши турган гап. Яна бир мисол. Фуқаро Атамуродов янғаси билан уй масаласида жанжаллашиб, уни уриб энгил тан жароҳати етказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этган.

2003 йилнинг 13 август кунини Фуқаролар Раҳимов ва Исмоилов спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўзаро жанжаллашиб қолишди. Аччиғи келган Раҳимов тош билан Исмоиловни уриб, унга ўртача оғирликдаги шикаст етказган.

риначи бор судланганини, айбига иқроқ бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, моддий зарар йўқлигини ва жабранувчи билан ярашганлигини инобатға олиб, ЖКнинг 66-1-моддасига асосан жиноий ишни ҳаракатдан тугатди.

Жиноят ишлари бўйича Бахмал туман суди Раҳимовнинг ўзи айбига иқроқ бўлиб қилмишидан пушаймонлигини, жабранувчи билан ярашганлигини, моддий зийн қопланганлигини ва унинг муқаддам судланмаганлигини инобатға олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 66-1-моддасига мувофиқ жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Оиладаги келишмовчилик бироз кеч бўлса-да, бартараф этилди, қариндошлар ўзаро ярашди. Энди ярашганлик институтини қўлланмасдан олдинги ҳолатни кўз олдимизга келтирайлик. Илгари бир маҳалла-қўйда яшовчи қўни-қўшни, таниш-билишлар ва ҳатто эр-хотини, ота-ўғил, ака-укалар ўзаро келишмовчиликлар оқибатида бир-бирларига энгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказса, ўзаро ярашганлиги, бир-бирини кечирганлигидан қатъи назар, жиноят иш кўзга тилиб, баъзан оилаб тергов ўтказилар, гувоҳ, жабранувчилар қайта-қайта тергов идораларига қаҳқилиб сўроқ қилинар ва иш судга ўтказилиб қўн холларда судланувчилар озодликдан маҳрум этиш жазосига муносиб қўриларди.

Энди бир фикр қилиб кўрайлик. Агар ЖК га «Ярашув» тўғрисидаги институт киритилмаганда Раҳимов ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига бўлса-да фарзандсиз қолдириш хавфи мавжуд эди. Ижтимоий хавфи катта бўлган жиноятни биринчи бор ва билмасдан

Жиноят ишлари бўйича Бахмал туман суди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қароридан «Судлар суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ишнинг судга юборилиши мўддатини муро-сасиз бўлиши ва бунинг олдини олиш мақсадида хусусий ажримларни қириштириш лозим» деган кўрсатмасида вилоят ички ишлар бошқармаси эътиборига қарамасдан мисолда кўрсатилган камчиликларга нисбатан муро-сасиз бўлиши, айбдорларга нисбатан тегишли тартибда чора белгилашни кўрсатиб хусусий ажрим чикарди.

Жиноий ҳазоларнинг либераллаштириши муносабати билан амалиётимизга кириб келган «Ярашув» институтининг халқимиз ҳаётида тутган ўрнини бугун кўпчилик сезган бўлса ажаб эмас. Чунки ярашганлик муносабати

Уз навбатида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари номидан юқорида кўрсатилган камчилик ва шунга ўхшаш ҳолатлар юзасидан барча терговчилар иштирокида йиғилиш ўтказилиб, айбдорларга тегишли тартибда чора қўриланлиги тўғрисида маълумот олинди.

«Ярашув» институтининг ижтимоий аҳамияти катта эканлиги юқорида қайд этиб ўтилди. Чунки жиноятчиликнинг олдини олишда шахсни жамиятдан ажратмаган холда тарбиялаш самаралироқ эканлигини амалиётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Қувондиқ МАМАРАХИМОВ, Жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг раиси

қоп шакар, 330500 сўмлик қийим-кечаклар, Э.Эшонова эса 21 тўп 688900 сўмлик велюр материалли устама нархларда сотаётганлари маълум бўлди. Шу кун фуқаро Б.Хожамитов эса 172400 сўмлик, А.Қурбонбоева эса 188480 сўмлик ҳужжатсиз чет эл қийим-кечакларини савдога чиқаришган экан. Ноконуний савдо тўхтатилиб суриштирув ишлари бошланди.

Англи Чиноз қўрғонида истиқомат қилувчи Абдурашул Дониёв ҳам шу кун кўча бўйига 30 литр бензин олиб чиққан экан. Дарҳол савдоси синди.

БЕНЗИНФУРУШЛАР САВДОСИ СИНДИ

Нукус шаҳри томон йўл олган давлат белгиси 23А 64-54 бўлган автобус саломи кўздан кечирилганида опанингил Венера ва Феруза Шниёзоваларнинг ранги доқарумолдек оқариб кетди. Чунки Венера ҳужжатсиз 12 донна 3309100 сўмлик Хива гиламини, Феруза эса 27 тўп 630780 сўмлик велюр материалли устама нархларда пуллаш учун Нукусга олиб кетишавтган эди.

Бошқа вилоятларда ҳам маҳаллаларга энгил нархларда бензин билан савдо қилаётган сохта тадбиркорлар кўпайиб қолибди. Солиқ хизмати ходимлари ўтказавтган рейдлар давомида улар бирин-кетин қўлга тушмоқда. Эндики Бухоро вилояти Олот тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Р.Раҳмоновни ўйда 800 литр бензин билан савдо қилиб турган пайда ушлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори эълон қилинганга анчагина вақт бўлиб қолди. Қарорда қўйилган талабларни тадбиркор ва тижоратчиларга етказиб бўйича жойларда неча бор семинар ва субхатлар ўтказилди.

Дангарлик У.Ҳайдаров ҳам бензинфузушликни касб этиб олган экан. Охириги кун ўйда 400 литр бензинни 132 минг 200 сўмга пуллаб турган пайда савдоси тўхтатилиди. Нарпай туман «Ҳақикат» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Алпомиш Хидиров фаолияти ҳам шундай ҳолатда яқун топди. Унинг ҳонадонидан сотишга тахт қилиб қўйилган 43 литр бензин далилий ашё сифатида олинди. Бу йўналишдаги рейд ва текширувлар давом этапти.

Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори эълон қилинганга анчагина вақт бўлиб қолди. Қарорда қўйилган талабларни тадбиркор ва тижоратчиларга етказиб бўйича жойларда неча бор семинар ва субхатлар ўтказилди.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ кўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси

